

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 22 май, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (10.905)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

●Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар шаҳар ва туманлари, пойтахт туманлари ҳокимларининг капитал қурилиш, коммуникация, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосарларининг малака ошириш курси ташкил этилди.

●Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга оид семинар ташкил этилди.

●Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Божхона қўмитаси вакиллари, Ўзбекистон ХДП Марказий ва Тошкент вилояти Кенгаши аъзолари, экспертлар, ҳисобчилар, ҳуқуқшунослар ва ОАВ вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси (янги тахрири) лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

●Қашқадарё вилоятида «Тошкент—Ислам маданияти пойтахти» мавзусида илмий анжуман ўтказилди.

●Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманидаги жаҳон тиллари лицей-интернати француз тили ўқитувчилари Шукуржон Шомуродова ҳамда Муҳаббат Асқарова Франция Республикаси Халқ маорифи, олий таълим ва илмий тадқиқот вазирлигининг «Пальма япроқлари» академик мукофоти совриндори бўлди.

●Бердак номидаги қорақалпоқ Давлат университети қошидаги 2-академик лицейда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунин олдида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ иштирокида Оролбўйи болаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга бағишланган амалий анжуман ўтказилди.

●Қува туманидаги Деҳқонобод қишлоғида фойдаланишга топширилган янги мактаб 800 нафардан зиёд ўқувчини ўз бағрига олди. Замонавий услубда қурилган ўқув даргоҳида ўғил-қизларнинг билим олиши, спорт-соғломлаштириш машғулотларида чиниқиши учун барча шароитлар яратилган.

●Шахрихон шаҳрига лизинг йўли билан 15 та «Отайўл» автобуси келтирилди. «Шахрихонийўловчиган» шўъба корхонасига қарашли ушбу автобуслар қишлоқ ва маҳаллаларни туман маркази билан боғловчи бешта йўналишда қатнамоқда. Йил охиригача бундай автобуслар сони яна бештага кўпаяди.

## ЖАҲОНДА

●Эрон Президенти Махмуд Аҳмадинажот кеча расмий ташриф билан Беларуссияга келди.

●Кеча АҚШ Президенти Жорж Буш Техас штатида НАТО раҳбари Яаап де Хооп Схеффер билан музокаралар ўтказди. Музокараларда Косово, Афғонистондаги вазият ҳамда НАТОни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилмоқда.

●Ливан шимолидаги Триполи шаҳрида жойлашган фалястинликларнинг қочқинлар лагерига икки кундан бўён ҳукумат кучлари ва «Фатх ал-Ислам» ғуруҳи жангарилари ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Қуролли моҳаролар ҳар иккала томондан 57 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

●Кеча Грузия пойтахти Тбилиси шаҳри марказида муҳолифат етакчиларидан бири Гуррам Шарвадзе отиб ўлдирилди. Полициянинг саяё-ҳаракатлари билан қотил қўлга олинган бўлсада, бироқ жиноят сабаблари ҳали аниқланганига йўқ. Тергов ишлари кетмоқда.

●Шарқий Тиморнинг янги Президентини Жозе Ремуш Ортанинг қасамёд маросими тартиб-сизилликлар билан яқунланди. Мамлакат пойтахтида ўтказилган қасамёд маросимидан сўнг янги Президентнинг сайловдаги асосий рақиби Франсишқу Гутерришнинг тарафдорлари кўчаларда уюштирилган тартибсизликлар натижасида бир қанча дўконлар вайрон қилинди, ўнлаб автомобиллар ёндирилган.

●Хитойнинг шимолий-шарқий ҳудудидаги Ляонин провинциясида автохалокат рўй берди. Тоғли ҳудуддан ўтган йўлдан ҳаракатланмаётган уч гилдиракли тракторнинг жарга кулаши натижасида унинг тиркамасида даладан қайтаётган ишчи аёлларнинг 20 нафари ҳаётдан кўз юмди, бир нечтаси жароҳатланди.

●Италияда Unicredit ва Capitalia банкларининг қўшилиши натижасида янги банк—Unicredit Group тузилди. У мамлакатнинг энг йирик, айна чоғда Европанинг иккинчи банкига айланди. Банкининг сармояси 100 миллиард еврога ташкил этилди.

## ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 23 май кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғин-қарчиқ бўлмайдۇ. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кечаси сатрларда

●КЕЧА мамлакатимизга ташриф буюрган Беларуссия ишбилармонлари иштирокида икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида бизнес форум уюштирилди. Тадбир доирасида кооперацион биржа ҳам ўтказилди.

●ЯККАСАРОЙ туманидаги 26-мактабда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман бўлимлари ҳамкорлигида «Иод танқислигининг олдини олиш» мавзусида ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида уюштирилган семинар Ижтимоий ҳимоя йиғилига бағишланди.

●ЎЗБЕКИСТОН Миллий банки суратлар галереясида ташкил этилган мамлакатимиз расмлари асарлари кўргазмаси «Мен ва биз» деб номланди.

●АЛИШЕР Навоий номидаги кино саройида ўзбек киноусталари томонидан яратилган «Жазо» бадий фильмнинг тақдими бўлиб ўтди.

●ТОШКЕНТ Ирригация ва мелиорация институтида ўқитувчилар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Сув ва қишлоқ ҳўжалигининг долзарб муаммолари» деб номланди.

●ХАЛҚАРО музейлар кунин муносабати билан Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Музейлар — маънавиятимиз кўзгуси» мавзусида ўтказилган тадбирда «Кўна дунё сирлари» альбомининг тақдими ҳам уюштирилди.

●РЕСПУБЛИКА Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказида «Хамшира — 2007» кўрик-танловининг биринчи босқичи уюштирилди.

●ТОШКЕНТ Тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Хонатас — миллий ғуруримиз» деб номланган миллий либослар коллекцияси ташкил этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЭНГ ЙИРИК ДАВЛАТ НАШРИЁТИ— «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ ЖАМОАСИ ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМЛИГИ БОИС, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИАТЛАРИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОШИБ БОРМОҚДА.



### Матбаачилик

## ЮТУҚЛАР ОМИДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги мазкур корхона «Тошкент матбаа комбинати», «Ўзбекистон», «Ўзбланкнашр», «Меҳнат» нашриётларини бирлаштирган. Шунингдек, унинг таркибига болажонларимизнинг сеvimли нашрлари тахририятлари ҳам киритилган. Айниқса, 2003-2006 йилларда ушбу корхона цехлари Осиё Ривожланиш ва Тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағ ҳисобига замонавий, хорижий, юксак ўнумли техника, дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланганиги ютуқлар омили бўлиб ҳисоб қилинмоқда.

Хусусан, 4 бўёқли «Планета», «Хелдельберг-«Спидмастер», «Рапида-105», ўрам қоғозларга чоп этувчи 2 бўёқли «Циркон-660», сифатли дафтар ишлаб чиқарувчи «Беломат», бланкларни чоп этувчи «Монопол» агрегатлари, дизайн студиялари, босма қолиплар тайёрлаш ускуналари, юқори сифатли кафолатловчи офсет машиналари, қоғоз кесиб ускуналари матбаа маҳсулотларининг замон талаблари даражасида бўлиши, яъни, уларнинг рақобатбардошлигини таъминламоқда.

Айни кунларда матбаачилар энг катта буюртмалари, яъни узок йиллар давомида республикамизнинг ўқув масканлари учун дарс-

ликлар тайёрлаш ишларини қизғин олиб бормоқда. Эътиборли томони, ушбу дароликлар нафақат давлат тилида, балки юртимизда истиқомат қилаётган кўп миллатли қардош халқлар тилларида чоп этилади. 4 ойлик курсатқиларга қура жамоа аҳли 3,5 миллиард сўмлик дарсликлар чоп этди. Бу эса 4 миллион дон дарсликлар демакдир. Буюртма эса 8 миллиондан иборат бўлиб, у июль ойига қадар тўла бажарилиши режада кўзда тутилган. Жумладан, жамоа аҳли бир нечта сифатли қоғоз, чиройли сурат, табиат манзаралари ва албатта, кадрятларимиз мужассам бўлган альбомлар устида ижодий иш олиб бормоқда. Лойиҳалар— Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тантаналарини, гўзал ва хамиса навқирон пойтахтимиз—Тошкент шаҳрини тараннум этди.

Малакали, касбига алоҳида меҳр қўйган матбаачилар сифатли дастгоҳ ва ускуналар маддага таянган ҳолда жуда кўплаб маҳсулотлар, масалан, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Президентимизнинг асарларини, ҳукумат қарорлари, қатор расмий ҳужжатлар, услубий қўлланмалар, илмий-оммавий, бадий адабиётларни ҳам чоп этишмоқда. Шунингдек, тас-

вирий санъат маҳсулотлари, буклет, проспеклар, тақвим, плакат, бланк, ташриф қоғозлари, таклифнома, кўргазмалар қуроллар ҳам сифатга асосий эътибор қаратилган ҳолда жамоа аҳли томонидан тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирда нашриёт-матбаа ижодий уйининг газета-журналлар цехида бир галлик босма адади 2 миллион нусхани ташкил этган ҳолда 25 номдан ортиқ газета ва журналлар турли форматда чоп этилмоқда. Давр талабидан келиб чиқиб, муштарийларнинг хоҳиш-истаги инобатга олинган ҳолда иш юритилганлиги боис буюртмачилар сағфи хам кенгайиб бормоқда.

Мазкур корхонада матбаачиликдаги янгилик жорий қилинди, яъни тезкор босма цехи ишга туширилиб, мижозларнинг буюртмалари бир неча соатларда бажарилиши, бунда сифатга кафолат берилиши хам буюртмачиларни мамнун этмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоа аҳлининг иш фаолиятиндан лавҳалар.

Азамат Аҳмедов олган суратлар.

## ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ИТАЛИЯ РЕПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, СЕНАТОР ДЖАННИ ВЕРНЕТТИ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 21 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ФАРУҲА МУҲИДИНОВА БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳаларда ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Музокарада Ўзбекистон ва Италия олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар, парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди. — Юртингизга ушбу ташрифдан мақсадимиз, — деди Джанни Вернетти журналистлар билан суҳбатда, — мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни барча соҳаларда, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш ва мустақамлаш имкониятларини кўриб чиқишдан иборат.

Италия делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида хам музокара ўтказди.

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА «БАҲОР ОҲАНГЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН КОНЦЕРТ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур ижодий жамоа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу концертда Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ҳамда россиялик машҳур опера хонандаси Маквала Касрашвили ижросидаги кўшиқлар янгради.

Миллий санъатимизнинг турли йўналишлари, жумладан мусиқа соҳасида эришилган ютуқларни юртимизда хо-

қиларди таъкидланди. Музокарада Ўзбекистон ва Италия олий қонун чиқарувчи органларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид масалалар, парламентлараро алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди.

— Юртингизга ушбу ташрифдан мақсадимиз, — деди Джанни Вернетти журналистлар билан суҳбатда, — мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни барча соҳаларда, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш ва мустақамлаш имкониятларини кўриб чиқишдан иборат.

Италия делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида хам музокара ўтказди.

## БАҲОР ОҲАНГЛАРИ

рижда тарғиб этиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш борасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жамғарма ташаббуси билан яқинда ўтказилган «Тошкент баҳори — 2007» халқаро опера ва балет санъати фестивали бунинг ёркин мисолидир.

М.Раззоқова нафақат мамлакатимизда, балки хорижда хам ўзбек опера санъатининг ёркин юлдузи сифатида яхши танилган. Айни пайтда Россия давлат катта театридаги опера труппасига раҳбарлик қилаётган М.Касрашвилининг ижоди кўплаб давлатларда эътироф этилган.

—Ўзбекистонга бундан салкам қирк йил аввал келган эдим, — деди М.Касрашвили матбуот анжуманида. — Кўндан бўён Тошкентни яна кўриш иштиёқида эдим. Юртингиз заминига бу гал қадам қўйганимда, унинг жамоли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганига гувоҳ бўлдим. Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар барча соҳалардаги каби, маданият ва санъат ривожини йўлида давлатингиз раҳбари томонидан кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрликда хам намоеён бўлмоқда. Бу Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри фаолияти мисолида яна бир қарра ўз тасдигини топаётгани таҳсинга лойиқдир.

Концертда жаҳон ва ўзбек бастакорлари муסיқий асарларидан намуналар янгради. (ЎЗА)

## САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИДА АТРОФ-МУХИТНИ АНТРОПОГЕН ИФЛОСЛАНИШДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СИФАТИНИ КОМПЛЕКС БОШҚАРИШ ВА МОНИТОРИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ОЛИМЛАР, ТАДҚИҚОТЧИЛАР, ШИФОКОРЛАР, САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори С.Шоумаров мамлакатимизда тиббий-ижтимоий жабада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар экология ва санитария-эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси, тиббий хизмат сифатини янада оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисидаги фармонида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани тиббиётнинг барча йўналишлари билан бир қаторда санитария-эпидемиология хизмати тақомиллаштиришда хам муҳим омили бўлаёттир.

Бу борада ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган изчил чора-тадбирлар самараси ўлароқ, баъзи хорижий мамлакатларда қайд этилаётган юқумли касалликларнинг мамлакатимизга кириб келишининг олди олинаёттир. Юртимизда санитария-эпидемиология мухитини барқарорлаштириш, жумладан эмлаш тадбирларини юқори савияда ташкил этишга қаратилаётган эътибор тўғрисида мамлакатимиз 2002 йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Полиомиелитдан холи ҳудуд» сертификатига сазовор бўлди.

— Олимларимиз санитария-гигиена меъёрлари ва тартиб-қоидаларини, бу йўналишдаги давлат стандартлари, услубий кўрсатма ва қўлланмаларни ишлаб чиқишда юртимиз иқлим шароити, халқ ҳўжалиги ва ижтимоий шароитини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратаёттир, — деди Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари Абдувоҳид Комилжонов. — Атроф-мухитни муҳофазалаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилаётган эътибор юртимизда санитария-эпидемиология хизмати кўламини янада кенгайтириш, экологик вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилмоқда. Ижтимоий ҳимоя йилида бундай лойиҳалар кўлами янада кенгаёттир.

Анжуманда ана шу йўналишда илм-фан эришаётган ютуқлардан амалда фойдаланиш самараси, юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли тиббий-экологик маданиятини янада юксалтириш масалаларига бағишланган маърузалар тинланди.

# Инсон ва қонуни

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

## ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Ўзбекистон ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини амалга оширишда адолат тамойилларига изчиллик билан риоя этиш зарур ва муҳимлиги ҳақидаги Шарқ мутафаккирлари таълимоти ҳамда ривожланган мамлакатлар илгор тажрибаси ва замонавий ютуқларини ўзи учун асос қилиб олди. «Бу қондин моҳияти шундан иборатки, — дейди Ҳортобошимиз ўзининг «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» китобида, — давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ҳақиқатан муҳтож бўлган аҳоли табақалари тоифасини белгилашда амал қилиниши лозим бўлган мезонлар ҳам, бу мадани улларга етказиш воситаси бўлган омилар ҳам аҳолига равшан, жуда содда ва аҳоли наздида адолатли бўлиши лозим. Ижтимоий кафолатлар ва

қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган шахсларни аниқлашда, уларга бериладиган ёрдамнинг аниқ тури ва миқдорини белгилашда субъектив нукта назардан иш қилиш имкониятлари истисно этилиши керак. Бутун тизим тенгчилик ва боқимандалик кайфиятини тўхатишга қаратилган бўлиши лозим».

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ҳукумати ўтиш даврида ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтириш, бу даврнинг муқаррар қийинчиликларини юмшатиш, одамларнинг турмуш шароитларини оsonлаштириш чораси сифатида аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни амалга оширишга алоҳида аҳамият берди.

Давлат томонидан берилаётган ижтимоий ҳимоянинг адолатли бўлиши

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК КЕЗЛАРИДАН БОШЛАБ КУЧЛИ ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ ВА АДОЛАТ ҲАҚИДАГИ МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНИБ БАРЧА АҲОЛИНИ, АЙНИҚСА, ЁРДАМГА МУҲТОЖ БЎЛГАН, ЕТИМ БОЛАЛАР, ЎҚУВЧИЛАР, НАФАҚАХЎР ВА НОГИРОНЛАРНИНГ, ЁЛГИЗ ОТА-ОНАЛАРНИ, КЎП БОЛАЛИ ВА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, МАДАДГА МУҲТОЖЛАРНИ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛДИРМАСЛИК ЭНГ АСОСИЙ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА ДЕБ ҲИСОБЛАНДИ. БУ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТ ЭДИ. ҲАҲОНДАГИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ КЎРСАТИШИЧА, КИШИЛАРНИ ИЖТМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ВА УНИ КАФОЛАТЛАШНИНГ КУЧЛИ, ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМИ БЎЛГАНДАГИНА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА СОБИТҚАДАМЛИК БИЛАН ЎТИШНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ МУМКИН.**

нинг зарур тамойилларидан бири — ижтимоий таъминотнинг асосиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечишидир. Шунга биноан 1994 йилга келиб Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги илгор тизими шакллантирилди. Бу тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланмиш болалар ва кам даромадли оилалар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — эртанги кунимиз ва келажагимиз таянчи бўлган ёш авлоднинг униб-ўсиши, замонавий билим, тажриба ва дунёқарашга эга бўлиши, иймон-эътиқодли, Ватанга, халққа садоқатли бўлиб вояга етишлари учун гамхўрлик қилишидир.

Ўзбекистонда ўтган йилларга Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили, Қарияларни қадрлаш, Обод маҳалла, Меҳр ва мурувват йили, Сihat-саломатлик йили деб ном берилди ва бу аъёна бўлиб қолди. Бундай дейилишида жуда катта маъно-мазмун бор, албатта йиллар қандай ном билан аталган бўлмасин, уларнинг барчасида хазрати инсон улугланган, эъозланган, қилган хизматлари, жамият тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссалари тақрор ва тақрор тилга олинган, эл-улусга ибрат-намуна қилиб кўрсатишга даъват этилган.

**Асалхон ҲАСАНОВА,**  
Тошкент молия институти талабаси



Ўртимизда, маҳаллалардаги тинчлик-осойишталикнинг сақланишида ички ишлар тизими ходимларининг муносиб ҳиссаси бор.

**СУРАТДА:** Учтепа тумани Хондамир маҳалласидаги 9-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Комилжон Гапиров, катта лейтенант Абдурашид Эрматовлар маҳалла фаоллари ва посбонлари билан навбатдаги иш режаларини маслаҳатлашиб олмақдалар.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар

**1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида виждон эркинлиги ҳамма учун кафолатлиниши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки қайси динга эътиқод қилмаслиқ ҳуқуқига эгаллиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги белгилаб берилган.**

### Қонунларимизни ўрганамиз

## ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

1998 йили янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташиқлотлар тўғрисида»-ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш, шунингдек диний ташиқлотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборатдир.

Собиқ иттифоқ даврида мўмин-мусулмонларимизга муқаддас ҳаж амалларини адо этиш у ёқда турсин, қариндош-уруғ, ота-оналаримизни сўнгги йўлга кузатиш билан боғлиқ урф-одатларимизни ҳам тўла-тўқис амалга ошира олмас эдик. Шунингдек мусулмонларимизнинг ибодатларини масжидларда бемалол адо этишлари, қутлуг Рамазон, Наврўз каби байрамларни ўтказишлари ҳам йўл қўйилмаган.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилиши билан эътиқод эркинлиги тўғрисидаги «Виждон эркинлиги ва диний ташиқлотлар тўғрисида»-ги Қонун ҳам давр талабига мос равишда тақомиллаштирилди. Турли динларга эътиқод қилувчилар учун қонун асосида барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бугунги кунда пойтахтимизда Адлия бошқармаси томонидан 149 та диний ташиқлот давлат рўйхатига олинган бўлиб, улар фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу йил Ислам маданиятининг пойтахти сифатида айнан Тошкент шахни эътироф этилаётгани ҳам бежизга эмас. Пойтахтимизда жойлашган халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Хазрат Имом (Ҳас-тимом) меъморий мажмуасида (унинг таркибидаги Кафол Шойий мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Номозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар) қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, асил тарихий қиёфасини тиклаш мақсадида Президентимиз И.Каримовнинг «Хазрат Имом (Ҳас-тимом) жамоатчилик жағмарасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»-ги қарорини халқимиз маънавий меросининг бир бўлаги бўлган нафақат обидаларга, балки диний маънавиятга бўлган эътибор деб тушунишимиз керак.

Давлатимиз диний ташиқлотлар билан бўлган муносабатларни амалдаги қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб боради. Шу билан биргаликда улардан қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларининг бажарилишини ҳам талаб қилади.

«Виждон эркинлиги ва диний ташиқлотлар тўғрисида»-ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган бирлашма-

ри диний ташиқлотлар деб эътироф этилади.

Адлия бошқармасининг жамоат биришмалари ва диний ташиқлотлар бўлими томонидан диний ташиқлотлар ус-тавларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва устас фаолиятлари амак қилишларини ўрганиш билан биргаликда уларга янги қонунларни тарғиб қилиш, диний ташиқлотлар биноларининг ҳовли-атрофлари озодалигига, саранжом-сарилталигига, санитария-гигиена ҳолатларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташиқлотлаштирилган туманлардаги диний ташиқлотлар билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси, шаҳар ва туман диний идоралари вакиллари ва адлия ходимлари иштирокида бўлиб ўтаётган семинарларда бугунги куннинг долзарб муаммосига айланган диний экстремизм, терроризм ҳаракатларининг олдини олиш йўлида маҳалла, ўқув юртлари, давлат идоралари, ҳуқуқий муҳофазаси қилувчи органлари, жамоатчилик билан ҳамкорликда турли маърузалар, учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Фикримизни Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш учун барчамиз ҳар замон, ҳар дақиқада оғоҳ бўлишимиз лозим деган мақсад билан ақунламоқчимиз.

**Ҳасан САИДОВ,**  
**Умид РАСУЛОВ,**  
Адлия бошқармаси ходимлари

Ушбу уйда жиноий гуруҳ олдиндан тайёрланган буюм билан Зоҳитхўжаевнинг қўл ва оёқларини боғлаб, ёнидаги 3.500 АҚШ доллари билан 50.000 сўм пулини олиб қўйиб, унинг кўкрак қисмига бир неча бор уришган. Жиноий ҳаракатларини давом эттириш мақсадида зўравонлар жабрланувчини шу хонадоннинг хужраҳонасига олиб кириб, зўриқ ишлаб, гайриқонуний равишда бир кун муддатга озодликдан маҳрум қилишган. Кейин эса дўк-пўписа қилиб, товламачилик йўли билан талон-тарож қилиш мақсадида жабрланувчидан 50.000 АҚШ доллари беришини талаб қилиб қўйворилган. Эртаси куни олган тан жароҳат-

аниқланди. М.Иймоновнинг шахсини аниқлаш жараёнида, у олдин ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 273-моддаси билан судланганлиги маълум бўлди. Ҳозирги кунда ушбу аёлга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлиб, ушбу олинган психотроп дориларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш бўйича тезкор-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

● Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган муқаддас судланиб, қамоқ жаозасини ўтаб чиққан 40 ёшли Ф.Хурматов эрталаб соат 07.30 да Шайхонтоҳур туманидаги автобус тўхташ бекатида 14 ёшли лицей ўқувчи-

### ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

**МУҚАДДАМ СУДЛАНГАН Б.МУСАЕВ ЎЗГАНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ БОСҚИНЧИЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЖИНОЙИ ШЕРИКЛАРИ М.НОСИРОВ ВА Ш.АҲРОРОВЛАР БИЛАН ЎЗАРО ЖИНОЙИ ТИЛ БИРИКТИРИБ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ, ТАДБИРКОР Э.ЗОҲИТХЎЖАЕВНИНГ УЙИ ОЛДИДА ТЎППОНЧАГА ЎХШАШ БУЮМ ЎҚТАЛИБ, УНИ ВАЗ-2107 РУСУМИ АВОТУЛОВГА МАЖБУРИЙ РАВИШДА ЎТКАЗИБ, УЧТЕПА ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН УЙГА ОЛИБ КЕЛИШГАН.**

лариға қарамасдан жабрланувчи Зоҳитхўжаев Тошкент шаҳар ИИББга ариза билан мурожаат қилган. Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш қидирув бошқармаси тезкор ходимлари томонидан зудлик билан тузилган махсус тезкор режа асосида ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олиш тадбири ишга солинди. Ва жиноятчилар талаб қилган пуллардан бир қисми, яъни 10.000 АҚШ доллари ни жабрланувчи Зоҳитхўжаев тайинланган жойга олиб келиб, жиноятчиларнинг қўлига тутқазётган вақтида Жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан далилий ашё билан қўлга олинди.

Қўлга олиш жараёнида жиноятчилар ички ишлар ходимларига қаршилик кўрсатишга уриндилар. Бироқ тезкор ходимларнинг ҳушёрлиги боис зўравонларнинг қўлларига қишанлар тақилиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳибсхонасига олиб келинди. Жабрланувчи Э.Зоҳитхўжаев эса олган тан жароҳатлари сабаб, теъза тиббий муассасага ётқизилди. Мазкур ҳолат бўйича Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (164, 165, 137-моддаси) бир нечта моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Ҳибсга олинган шахслар, уларнинг хонадонлари тинтув қилинганда, асама ўқотар қуроллар ҳам топилди, далилий ашё сифатида олинди. Хуллас инсон ҳаётига тажовуз қилиш, товламачилик, босқинчилик, талон-тарожлик, ўғирлик каби жиноятларни уюшган гуруҳ бўлиб содир қилганликлари учун Б.Мусаев, М.Носиров ҳамда Ш. Аҳоровлар қонун асосида жиноий жавобгарликка тортилиб, қамоққа олинди.

● Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тезкор ходимлари томонидан нафақат наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishi, балки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда шуғулланувчи шахсларни аниқлаш юзасидан ҳам бир қатор тезкор тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бирида олинган тезкор маълумот асосида, Жиноят қидирув бошқармасининг наркотик ва наркотрафик моддаларининг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан пойтахтнинг Чилонзор туманида ўтказилган тезкор тадбирда Учтепа туманида истиқомат қилувчи 1940 йилда туғилган М.Иймоно ва гуномлини текширилди.

Текшириш вақтида аёлнинг қўлидаги сумкасида психотроп моддалар турига кирувчи 150 дона конваллетта қадокланган жами 150 та фенозепам таблеткалари, 3 дона қадокланган 60 та деазепам таблеткалари, 7 дона 70 та фенобарбитал таблеткалари, 6 дона 60 та сибазон, 5 дона 50 та аипразолам ва 3 дона ампулада сибазон дорилари борлиги

си Ш.Мардоновнинг шимининг орқа чўнтагидан 10.750 сўм пулини ўғирлаб кетаётган вақтида, пулнинг эгаси сезиб қолиб, атрофдагиларни ёрдамга чақиритиш натижасида, чўнтаккасар ўз вақтида далилий ашё билан қўлга олиниб, шу атрофдаги таянч пунктига олиб борилиб, топширилди.

● Собир Раҳимов туман ИИБнинг навбатчилик қисмига туман прокуратурасидан келиб тушган тезкор маълумот асосида Жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан, Тошкент вилоятида яшовчи фуқаро Т. Хошимовни зудлик билан аниқлаб, қўлга олиш чора-тадбирлари ўтказилди. Олинган маълумотларга қараганда, Хошимов ўз уйда қонунга хилоф равишда этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини қўлбола усулда ишлаб чиқараётгани ва уни муомалага киритаётгани ҳақида хабар келган. Дастлабки тезкор тадбирлари жараёнида, Жиноят қидирув ходимларидан бири ўзини гўёки «олибсотар» қилиб кўрсатиб Хошимов билан Собир Раҳимов туманида учрашиб, ундан 70 дона ҳар бири 1,5 литр ҳажмдаги спирт маҳсулотини 206.500 сўмга сотиб олаётган вақтида, Хошимов тезкор ходимлар томонидан далилий ашёлар билан қўлга олинди. Унинг хонадонини кўздан кеңирлигини, ертўласида яна 403 дона ҳар бири 1,5 литр ҳажмдаги жами 1.892.000 сўмлик спирт маҳсулотлари топил олинди. Хошимовга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан фирибгарлиги учун раҳбар лавозимларидан бирида ишлаётган фуқаро И.Бойметов қўлга олинди. У таниши, Қарши шаҳрида яшовчи С. Қўлметовнинг ишончига кириб «Сени Тошкент шаҳрида раҳбарлик лавозимларидан бирига ишга жойлашингга ёрдам берман», деб 32000 АҚШ долларини олиб, қайтариб бермаган. Бундай катта пуллари бериб қўйиб, кейин эса ҳаловати йўқолган Қўлметовнинг ички ишлар бўлимига хабар беришдан бошқа илоҳи қолмади. Дастлабки тергов жараёнида маълум бўлишича, гуноланувчи Бойметов олдин ҳам, худди шундай фирибгарлиги учун, 2003 йилда 175-модда билан судланганлиги маълум бўлди. «Ўрганган кўнги, ўртанса қўймас» дегани рост экан. Пора олишга, уни беришга ўрганган бу қўллар, ҳеч тўғри йўлдан юришни хоҳламаса, нима ҳам дейиш мумкин. Шу ўринда фуқаро Қўлметов ҳам нафақат жабрланувчи, балки «пора берган шахс» сифатида ҳам айбланувчи бўлиб, терговда жавоб берадиган бўлди. Чунки қонун ҳамма учун баробар.

**Юлдуз АШИРОВА,**  
майор, Тошкент шаҳар ИИББ  
Матбуот маркази катта инспектори

### Иқтисодиёт

## БЮОРТМАЛАР АСОСИДА

**ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «МАЛИКА-МОДЕЛ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ЧЕВАРЛАР МАҲОРАТИ БИЛАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР, МАХСУС ИШ КИЙИМЛАРИ СИФАТИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу корxonанинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмасда, қилинаётган сая-ҳаракатлар боис бюортмачилар ва мижозлар сафи ортиб бормоқда. 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган жамоада ўтган йилда «Ўзбекистон темир йўллари», Олмалик конметаллургия комбинати, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳаси ишчи-хизматчиларига бюортмалар асосида иш кийимлари тикиб берилди.

—Жорий йилда бюортмачиларимиз сафи янада кенгайди,—дейди корхона раҳбари Анавар Жалилов.—Бунинг учун юртимизда ўтказилаётган тендерларда фаол иштирок этаёмиз, янги турдаги моделлар устида изланишлар олиб бораяёмиз. Келгусида мижозларимизга талаблар даражасида хизмат кўрсатиш, маҳсулотларимизни харидорнинг турларини яратиш мақсадида янги замонавий тикув машиналари қувватидан унумли фойдаланиш ниятдаёмиз.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиб атрофдаги маҳаллалар аёлларини иш билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, пойтахтимизда қасаначилик фаолиятини кенгайтиришга, Президентимизнинг шу борадаги қарорини ижросини таъминлашга муҳим ҳисса қўиш кўзда тутилган.

## ТУРЛАРИ ОРТАДИ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАХСУЛОТНИНГ РАҚОБАТДОРЛАШ ТУРЛАРИНИ ТИНАЙИ КЎПЛАЙТИРИБ БОРИШ АСОСИДА ХАРИДОРГА МАНЗУР ЭТИШ БУГУНГИ БОЗОР ТАЛАБЛАРИДАН ҲИСОБЛАНДИ.**

Бунга яқини тушулган тадбиркорларимиз харидор дид ва эътиҳидан келиб чиқиб, ички бозорни ўзимизнинг маҳсулотлар билан таъминламоқда, дастурхонимиз тўқиллиги йўлида изланишмоқда. «ХТ Аюпов» корхонасида асосан қандолат маҳсулотлари тайёрланади. С.Раҳимов туманидаги «Хислат» маҳалласида яшовчи 10 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаган ушбу корхонада маҳаллий хом ашёдан 8 турдаги печенелар тайёрланамоқда.

— Маҳсулотларимизни пойтахтимиз савдо дўконлари орқали харидорларга етказиб берамиз,—дейди ҳусуний тадбиркор Акмал Аюпов.—Жорий йилда замонавий ускуналар қувватидан унумли фойдаланган ҳолда маҳсулотларимиз турларини кўпайтирамиз. Ҳозирда «Лочира» ва «Роголики» деб номланган маҳсулотларни тайёрлаш ҳаракатидаёмиз.

Ҳусуний тадбиркор келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, маҳалла ёшларини иш билан таъминлашни кўзламоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

## САМАРАДИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

**ЎЗБЕКИСТОН НОЁБ ЁҚИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИ ВА ҚУДРАТЛИ ЭНЕРГЕТИКА БАЗАСИГА ЭГА. НЕФТЬ, ГАЗ ВА КОНДЕНСАТ ЗАҲИРАЛАРИ ЎЗ ТАЛАБИМИЗНИ ТЎЛА ТАЪМИНЛАБДИГА ҚОЛМАЙ, ЧЕТГА ЧИҚАРИШ ИМКОНИНИ ҲАМ БERAДИ.**

Ушбу ноёб ер ости бойликлари кезиб олиш ва қайта ишлаш, сақлаш бўйича улкан ишшоотлар— Қўздумалоқ қониди компьютер станцияси, Шўртан газ-қимёсаноат, Муборакнефтьга қорхонаси, Бўкор нефтини қайта ишлаш заводи, Фаргона ҳамда Олтиқор нефтини қайта ишлаш қорхоналари, Ангрена ва Поп нефтьбазалари мавжуд. Иқтисодиётнинг улкан таянчларидан бўлган энергетика заҳираларини қайта олиш ва уларни қайта ишлаш заводи ва саноат қорхоналаридан ёнларнинг олдини олиш, ёнган хавфсизлигини таъминлаш бозор иқтисодиёти муносабатлари жараёнида ўта муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнган хавфсизлиги олий техник мактабида «Ўзбекистон нефтьга саноатида ёнган хавфсизлигини тақомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган семинар-кенгашда ҳам мазкур соҳада эришилаётган ютуқлар, ечимини кўтаётган муаммо ва вазифалар асосидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ, «Ўзбекнефтьга» Миллий ҳолдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЕХББ ҳамда ИИБ Ёнган хавфсизлиги олий техник мактаби ташаббуси билан ўтказилган тадбирда соҳа вакиллари қаторида Россия Федерацияси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Бутун Россия ёнган хавфсизлиги илмий тадқиқот институти (ВНИИПО) махсус бўлим бошлиғи Лев Орлов, махсус электротехника кафедраси бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор Владимир Зыков ҳамда Қозғоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Махсуллатиришнинг илмий тадқиқот лабораторияси (СНИЛ) директори ўринбосари — Михаил Запаладько ва Руслан Жумагалиев ва Россия Федерацияси «Махсус ёнган техникани» қорхонаси директори Фазил Карабаев каби хориқлик мутахассислар ҳам иштирок этди.

— Кейинги йилларда давлат ёнган хизмати тизими тақомиллашган замонавий техникалар билан жиҳозланди,—деди тадбирда сўзга чиққан Республика ИИБ ЕХББ бошлиғи, генерал майор М. С. Собиров.— Бу ҳар қандай вазиятда ва фавқулодда шароитларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнганларга йўл қўймаслик, юз берган ёнганларни эса теъза да беталофат бартараф этиш имконини бермоқда. Соҳани маҳкамли ва ишбилармон мутахассис ходимлар билан таъминлашга, ёнган ўқирувчиларнинг касбий ва ҳарбий билим салоҳиятини кўпайтиришга эса алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда республика ёнган хавфсизлиги хизматининг барча тармоқ маъсўл ходимлари, бошқарма ва бўлим раҳбарлари, етакчи мутахассислар, шунингдек, «Ўзнефтьга», «Ўзнефтьгамакс», «Ўзгеобурнефтьга», «Ўзнефтьга қурилиш» ва «Ўзтрансгаз», «Ўзнефтьгақазибойиш» сингари республикамиздаги йирик акционерлик компаниялари, илмий лаборатория раҳбар ва вакиллари иштирок этишиб, тизимдаги ёнган хавфсизлиги самарадорлигини ошириш борасидаги маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЕХББ бошлиғи полковник А. Исламов ўз маърузасида республика микёбидидаги ўта муҳим ва тоифаланган объектлар раҳбарлари эътиборини мавжуд қорхоналарда ёнганларга сабаб бўлувчи омиларни бартараф этишнинг кечиктириб бўлмас ечимлари, бу соҳадаги муаммолар, вазифаларга қаратди. Айни пайтда давлат ёнган хавфсизлиги хизматининг сифат самарадорлигини янада оширишнинг моддий-техникани йўналишлари, айрим молиявий масалалар билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этди.


Анжуман иштирокчилари Ёнган хавфсизлиги олий техник мактаби Илмий-тадқиқот маркази раҳбар техника фанлари номзоди, доцент полковник М.Усмонов томонидан яратилган, ҳозирда дунёнинг 17 давлати патентига эга бўлган «Соғда» ёнган хавфсизлиги экранны самарадорлигини алоҳида таъкидлашди. Бу экранны нафақат юртимиз халқ хўжалиги масалалари, нефтьга қорхона ва заводларда, балки хорижда ҳам ишлатилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Россия Федерациясининг жаҳондаги йирик «Лукойл» ва «Газпром» компаниялари билан узоқ йиллик ҳамкорлик келишувига эга. Эндликда бу каби тадбирлар орқали умумбашарий муаммолардан бири — энергетика хавфсизлигини таъминлаш борасида муҳим кадам ташлангани ва унда мавжуд муаммолар ўз ечимини топиши, шунингдек, ёнганларни ўқиришдан қўра уларнинг олдини олиш афзаллиги, аҳамиятлиги инсонлар жон хавф-хатардан сақланиши, қурбонлар бўлмаслиги, энергетика заҳираларининг талафотдан сақланишидир.

Анжуман иштирокчилари тадбир якунида Ёнган хавфсизлиги олий техник мактабида тингловчиларга яратилган замонавий шарт-шароитлар билан ақиндан танишилди.

Алоудин ГАФФОРОВ,  
«Туркистон-пресс»





МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

Кимки сувратда ҳақиру нопазир, Фейли яхши эрса, хушдир, жонпазир.

Суврати зоҳир фано бўлмай, инон, Олами маъни валекин жовидон.

Ҳар тирик жонга тайиндир бир емиш.

Бўлса юлдузга магар юлдуз яқин, Ул яқинлиқдин туғилгай бир чақин.

Эр билан хотун қовушганда — башар. Тош билан темир сўғишганда — шарар.

Рўпара этма айиққа думбани.

Холвага сассиқ саримсоқ не керак?

Мустафо сўзи бу: мўминга қараб Ёлборур эрмиш жаҳаннам қалтираб.

Яхшидир бундан жадаллаб ўтганинг, Оташимни сўндирар нуриг сенинг.

Сен — Юсуфдирсен, бу олам мисли чоҳ, Ип эса сабру чидам, амри илоҳ.

Мева пишса, қайта хом бўлмайму ҳеч?

Бахтлидур ул эрса хўбларга ҳабиб, Не таассуф, жуфти ҳар эрса ҳариф.

Макр ила Юсуф ўшал чоҳ ичрадир, Ҳам ҳасаддин бўриларга ўлжадир.

Кимсадин хўкиз, эшакка ҳам гаҳи, Ўтгай инсон санъати, донолиги.

Ул асов тулпор бўлиб инсонга ром, Эчки рақс этгай, айиқ бергай салом.

Одамайга ит ҳавас айлаб нукул. Овчи бўлди ёки бир пойлоқчи ул.

Тонг эмас, кўксингда кўзголгай фақат, Гоҳи деғу гоҳ малак, гоҳ дому дад.

Дўст турур ёнингдаю жонингда то, Ҳар балову офату меҳнат-аро.

Юклари дарёга тушган савдогар, Энг асл ашёга илдам кўл чўзар.

Илми ноқис улки, фарқни билмагай, Чақнаса чақмоқ, куёш деб ўйлагай.

Неча эрлар борки, топгайлар фано, Эр эмаслар чунки жанг, майдон аро.

Чун кўлингда тиғи Рустамдир магар, Марди майдон бўлмасанг, жонинг кетар.

Ҳикмат ул бўлгайки, махсули хаёл, Ҳикмат ул бўлгайки, нури Зулжалол.

Ҳикмати дунё оширгай занну шак, Ҳикмати диний кўтаргай то фалак.

Ул неча доноки, ҳеч инсофи йўқ, Дерки, ул аввалгилардин биз улўғ.

Фикр ул бўлгайки, очгай сенга йўл.

Бир-бирига бешта ҳис пайваст эрур, Бештаси ул битта илдиздан келур.

Битта кўй сакраб ариқдан ўтса, бас, Бошқа кўйлар сакраб ўтгай басма-бас.

Сен кўнглини тилга келтир доимо. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«Кафолат» Давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг Тошкент шаҳар филиали ва бўлимлари жамоалари филиал директори Бахтиёр Қудратович Мирзахмедовга ўғли БОТИРЖОННИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Каратэ

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ КЎПАЙДИ



ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ТУФАЙЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА СПОРТИНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ ҚАТОРИ КАРАТЭ РИВОЖИГА ҲАМ КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛАЁТГАНИ ҚУВОНАРЛИ ХОЛ.

Бу фикримизни куни кеча «Жар» спорт мажмуасида уч кун давом этган каратэ бўйича Марказий Осиё чемпионати баҳслари яққол исботлаб турибди. Ёшлар иштирокида уюштирилган беллашувида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Хоразм, Бухоро, Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларидан келган минг нафардан ортиқ ёш спортчилар ўзаро беллашди. Ката ва кумитэ йўналишларида уюштирилган беллашувлар мурасасиз ва шиддатли курашларга бой кечди.

Ўғил болалар ўртасидаги мусобақаларнинг кумитэ баҳсларида учинчи ўрин Тошкент шаҳрининг «Билор» клуби аъзоларига насиб этган бўлса, ката мусобақасида «Билор» каратэчилари шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллашга муваффақ бўлишди. Қашқадарёлик умидли каратэчилар жамоаси кумитэ баҳсларида фахрли биринчи ўринни эгаллаган бўлса, андижонликлар ҳам қашқадарёлик тенгдошларидан қолишмасликларини намойиш этишди. Шунингдек, кумитэ беллашувларида учинчи поғонани банд этган наманганликларнинг ҳаракатлари мутахассислару мухлисларда илиқ таассурот қол-

дирди.

Ката баҳсларида тошкентликлардан ташқари Фарғона, Сурхондарё вилоятлари жамоаларига омад кулиб боқди.

Ўғил болалар беллашувларида Андижон вилояти жамоаси аъзолари 12 та олтин, 4 та кумуш медални кўлга киритган бўлсалар, самарқандликлар ҳам 4 та олтин медалга эгалик қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси медаллари шодасининг кўпайишига муносиб ҳисса қўшишди.

Қизлар жамоалари баҳсида яна омад шаҳримизнинг «Билор» клубига кулиб боқди ва биринчи ўринни эгаллади. Андижон вилояти жамоаси эса ката баҳсларида фахрли иккинчи ўринга сазовор деб топилди. Қизлар баҳсида Қашқадарё вилояти жамоасига 3 та олтин, 1 та кумуш, тошкентликларга 1 та олтин, 1 та кумуш, 1 та бронза, самарқандликларга 2 та олтин, 1 та кумуш, хоразмликларга 1 та олтин, 1 та бронза медаллари насиб этди.

Хулоса қилиб айтганда, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон терма жамоалари иштирокида уюштирилган Марказий Осиё чемпионатида умумжамоа ҳисобида ҳам фахрли биринчи ўрин мамлакатимиз терма жамоасига насиб этди. Чемпионат якунида голиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

СУРАТЛАРДА: Марказий Осиё чемпионатидан лавҳалар. Азамат Аҳмедов олган суратлар

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Азамат Аҳмедов олган суратлар

Хотира ўйғонса гўзалдир

СПОРТ ҲИТИРАСИНИНГ ҚИЗИҚАРЛИ ҲАВАСИ

ИНСОН ХОТИРАСИ УНИНГ ҲАЁТЛИГИДА АМАЛГА ОШИРГАН ЭЗГУ ИШЛАРИ, БУНЁДҚОРИК, ЯРАТУВЧАНЛИК БОРАСИДАГИ УЛКАН ЮМУШЛАРИНИНГ ҲОСИЛАСИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ. ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ФИДОЙИСИ ОЛИМЖОН АКБАРОВ ҲАМ АНА ШУНДАЙ ЖОНКУЯРЛАРДАН ЭДИ.

Куни кеча пойтахтимизнинг «Истиқлол» спорт мажмуасида захматкаш футбол жонкуяри хотирасига бағишланган 1-Республика ноғиронлар спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Миллий паралимпия ассоциацияси, «Нур» ноғирон тадбиркорлар ассоциацияси, Ноғиронлар жамияти, Миллий паралимпия ассоциациясининг Тошкент шаҳар

бўлими, «Музаффар фильм» студияси, О.Ақбаровлар оиласи томонидан уюштирилди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан «Нур» ноғирон тадбиркорлар ассоциацияси раиси Фарҳод Абдурахмонов ва бошқалар республикамизда илк мартаба ўтказилаётган О.Ақбаров ноғиронлар хотира ўйинининг аҳамияти хусусида тўхталишди.

Шундан сўнг мусобақага старт берилди. Унда Тошкент шаҳри, Фарғона, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятларининг «Марказ», «Навоий», «Нур», «Ёшлар» эркаклар волейбол жамоалари иштирок этди. Унда учта тур ўйинлари давомида қуйидаги натижалар кайд этилди. 1 турда «Марказ» — «На-

воий» — 2:0, «Нур» — «Ёшлар» — 2:0; II тур натижаларига кўра, «Ёшлар» — Навоий — 2:0, «Нур» — «Марказ» — 2:1, III турда эса «Ёшлар» — «Марказ» — 0:2, «Нур» — «Навоий» — 2:0.

Футбол бўйича ўтказилган эркаклар ўртасидаги мусобақаларнинг I турда Тошкент шаҳри — Фарғона — 10:3, Тошкент вилояти — Самарқанд — 6:5, II турда Тошкент шаҳри — Самарқанд 10:4, Тошкент вилояти — Фарғона 7:1, III турда Самарқанд — Фарғона — 5:9, Тошкент шаҳри — Тошкент вилояти — 4:2 натижалари кайд этилди.

Хотира ўйинлари голибларини тақдирлаш маросими пойтахтимизнинг муҳташам «Le Grande PLAZA» меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Унда турнир ташкилотчилари О.Ақбаров оила аъзолари, футбол фахрийлари ва мухлислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Якуний натижаларга кўра эркаклар ўртасидаги футбол мусобақаларида I ўрин Тошкент шаҳри жамоасига насиб этди, у диплом, кубок ва пул мукофоти билан тақдирланди. Кейинги совринли ўринларни Тошкент ва Фарғона вилоятлари жамоалари эгаллашди. Эркаклар ўртасидаги волейбол мусобақаларида ҳам I ўринни Тошкент шаҳрининг «Нур» жамоаси эгаллади. II



Хотира ўйинлари голибларини тақдирлаш маросимида О.Ақбаров оила аъзолари, футбол фахрийлари ва мухлислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ўрин «Марказ» жамоаси (Тошкент вилояти), III ўрин эса «Ёшлар» жамоаси (Тошкент шаҳри)га насиб этди.

Волейбол бўйича аёллар ўртасида кечган мусобақаларда Навоий вилоятининг «Навоий» ҳамда Тошкент шаҳрининг «Меҳр қадам» жамоалари голиблар сафини бошқаришди. Бундан ташқари тадбир давомида бир қанча номинация голибларига ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар тақдим этилди. Кечага Умида Мирхамедова, Даврон Эргашев, Самандар Ҳамроқуллов сингари ўзбек эстрада юлдузларининг дилрабо кўшиклари янада файз бағишлади.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: О.Ақбаров хотирасига бағишланган 1-Республика ноғиронлар спорт ўйинлари голиблари.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бошқарув аппарати га ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш бўйича танлов эълон қилади.

Ҳар ойда бажарган ишига қараб, ўртача 250-300 минг сўмгача ойлик маоши тўланади.

Танловда қатнашиш учун қуйидагидан талаблар:

—Олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши;

—Компьютердаги мавжуд дастурларда мукамал ишлай оладиган ҳамда мустақил равишда дастурлар тузиш қобилиятига эга бўлиши;

—Ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларни билиши керак.

—Танлов комиссиясига

тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (Сертификат) тақдим этилиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. (Главпочтамт биноси).

Мурожаат учун телефон: 137-49-51.

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 26 июнь куни соат 11.00 да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларини ўтказишди. Очик аукцион савдоларига қуйидаги мулк қўйилди. Тошкент шаҳар Яққасарой туман суд ижрочилиги бўлими томонидан 2006 йил 4 апрелдаги 10-0611/1461-сонли, 2006 йил 13 июлдаги 10-0619/4184-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, Тошкент вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича ягона биуртмачи хизмати-инжиниринг компаниясига тегишли, Тошкент вилояти Зангиота тумани, Эшонгузар қўرғони, Тошкент Халқа йўли бўйида жойлашган база ва омборхона биналари. Бошланғич баҳоси — 79 390 600 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилиги иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорда закат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Авторитет спорт филиалининг «Альянс» миғибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, Х/р 20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закат пуллари қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. тел. 138-69-94. Хизматлар лицензияланган (лицензия DB001-000010).



Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплай илтимосларига мувофиқ бутун май ва 1,2,3 июнь кунлари соат 12.00, 15.00да цирк манежида «Ҳайвонлар карнавали» дастурининг намойиши давом этади.

Болалар ва катталар, шошилиг, шошилиг!!!

Томшалар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г- 406

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси бошқарувида. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.